

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ШОМУРОДОВА СИТОРА ХОШИМ ҚИЗИ

**XX АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ДЕВОНЧИЛИК АНЪАНАСИ:
МАВЗУ, ТАРКИБ, ВАЗН ВА БАДИИЙ САНЪАТЛАР**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of Dissertation abstract of Doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Шомуродова Ситора Хошим қизи

XX аср ўзбек адабиётида девончилик анъанаси: мавзу, таркиб, вазн ва
бадий санъатлар 3

Шомуродова Ситора Хошимовна

Традиция создания диван в узбекской литературе XX века: тема,
содержание, стихосложение и изобразительное искусство 23

Shomurodova Sitora Khoshimovna

The tradition of creating divan in Uzbek literature of the 20th century: theme,
content, versification and poetic arts 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Fil429 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетидеда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муҳиддинов Муслиҳиддин Қутбиддинович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қобилов Усмон Уралович
филология фанлари доктори, доцент
Каримов Баҳодир Нурметович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail:rector) @samdu.uz Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона).

Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (— рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2022 йил “_____” _____ куни тарқатилди.
(2022 йил “_____” _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

Ҳ.Эшонкулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари,
филология фанлари доктори

Д.Б.Хурсанов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, филология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ш.А.Ҳасанов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси
филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида мумтоз адабиётнинг замонавий адабиётга таъсирини ўрганиш асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса, Ғарб ва Шарқ адабиётининг ўзаро синтезлашуви замонавий ўзбек адабиётининг ҳар томонлама кенг равнақи, шаклий-жанрий ривожланишига сабаб бўлмоқда. Девончилик анъанасининг замонавий адабиётдаги такомиллиги, мавзулар хилма-хиллиги, лирик қаҳрамон психологик ҳолатининг ўзгарувчан қиймат касб этиши, жанр таркибидаги наворотлик, янгиланган образлар каби масалаларини кенг ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан адабий мероснинг кейинги даврлар адабиёти ва фанига кўрсатган таъсири, маънавий хазинанинг инсоният бадий тафаккури тараққиётидаги ўрнини белгилаш бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бири ҳисобланмоқда.

Дунё адабиётшунослигида эътироф этилган ижодкорлар ва уларнинг беқиёс маънавий ёдгорликлари давр ижодкорлари фаолиятига, жумладан, бадий-услубий ранг-барангликка эришиш борасидаги масалаларига ижодий таъсирини ёритиш, миллий адабиёт тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади. Шунингдек, бадий адабиёт тараққиёти натижасида юзага келган девон тузиш анъанаси муайян даврнинг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-фалсафий ва маданий қиёфасини очиб беришда катта аҳамиятга эга бўлган адабий-эстетик ҳодисадир. Мазкур жиҳат девон тузиш анъанасининг бугунги давр адабиётига таъсирини қиёсий аспектда ёритиш, соҳибдевор шоирларнинг бадий маҳоратини аниқлаш, янги давр адабиётида яратилган девонларни бугунги кун талаблари асосида илмлар учлиги: илми аруз, илми бадеъ ва илми қофия нуқтаи назаридан тадқиқ этиш заруратини тақозо этади.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, ҳар соҳада бўлгани каби мумтоз адабиётга бўлган эътибор ҳам кучайди. Ҳозирги кунда девон тузиш анъанаси замонавий шоирлар ижодида ҳам шаклан-мазмунан янгиланмоқда. Зеро, “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор, ҳавас қилса арзийдиган улуг аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган бебаҳо бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажакимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам, албатта, бўлади”.¹ Шундай экан, замонавий девон тузиш тамойиллари ва ўзига хослиги, мумтоз девончилик билан фарқли ва муштарак жиҳатларини ўрганиш, шу асосда назарий хулосалар чиқариш орқали замонавий девончиликнинг маълум қоидаларини ишлаб чиқиш лозимлигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17-февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 24-майдаги ПҚ-

¹Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. 4 август.

2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 20-октябрдаги ПҚ-4865-сон “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги ҳамда 2021 йил 4-февралдаги ПҚ-4977-сон “Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда соҳага тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижроси сифатида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигида анъана ва новаторлик, адабий таъсир масалаларига оид бир қанча тадқиқотлар юзага келган. Хусусан, М.Бахтин¹, Н.Анастасъев², Л.Фарбер³, А.Плотникова⁴ каби олимлар буларни ўз илмий ишларида муайян аспектда таҳлил қилишган. Замонавий девон тузиш масаласини ўрганишга бағишланган махсус тадқиқотлар яратилмаган бўлса-да, бевосита девончиликка алоқадор соҳаларда, жумладан, аруз, қофия, ғазалчиликка доир масалаларда ўзбек адабиётшунослигида муайян тадқиқотлар амалга оширилган, аруз поэтикасига тааллуқли тадқиқотлар эса давр билан чекланган ҳолда фақат XX асрда яратилган бадий-илмий изланишларга эътибор қаратилади. Бу даврда яратилган тадқиқотларда ижодкорнинг мумтоз салафлари анъаналарига қай даражада эргашганлиги⁵, ғазал жанрининг ўзига хослиги⁶, вазн ва қофия масалалари⁷ ўз ифодасини топган.

¹ http://www.vestnik.adygnet.ru/files/2007.3/528/belaya2007_3.pdf

² Анастасъев Н. Традиции и новаторство в литературе критического реализма XX века : форма "субъективной" эпопеи в романе США и Англии : диссертация ... доктора филологических наук : 10.01.05. - Москва, 1982. - 402 с.

³ Форбер Л. Проблема традиций и новаторства в советской литературе первых лет революции, 1917-1920 гг. : в 2-х томах : диссертация ... доктора филологических наук : 10.00.00. - [Б. м.], 1966. - 628 с.

⁴ Плотникова А. Традиции русской классической литературы в творчестве С. Д. Довлатова : автореферат дис. ... кандидата филологических наук : 10.01.01 / Плотникова Анастасия Геннадьевна ; [Место защиты: Моск. гос. обл. ун-т]. - Москва, 2008. - 21 с.

⁵ Қобулов Н. Андижонлик тараққийпарвар шоирлар. - Т.: Фан, 1977; Раҳматова Д. Муқимий издошлари. - Т.: Фан, 1978; Каримов Ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. - Т.: Ўқитувчи, 1987; Абдусаматов Х. Мавлоно Ҳабибий. - Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 1979; Абдурахмонова М. Собир Абдулла. - Т.: Фан, 1980; Дадабоев В. Ўзбек классик шеърляти ва ҳабибий ижоди. Номзодлик диссертацияси қўлёзмаси. - Т.: 1984.

⁶ Рустамов Э. Узбекская поэзия в первой половине XV века. - Москва: 1963; Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. - Т.: 1961; шу муаллиф, Навоийхонлик суҳбатлари. - Т.: 1993; шу муаллиф, Темурийлар даври ўзбек адабиёти. - Т.: 1996; Иванов С. В красе натленной предстае. Узбекская лирика XV-XX вв. Тузувчи ва кириш сўзи муаллифи С.Иванов. - М.: 1977; Носиров О. Ўзбек адабиётида ғазал. - Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972; Орзибеков Р. Ўзбек адабиётида ғазал ва мусаммат. - Т.: 1973; Ҳайитов А. 90 йиллар шеърлятида анъана ва шаклий изланишлар. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2004 йил, 4-сон.

⁷ Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. - Тошкент, 1972.; шу муаллиф, Навоийнинг бадий маҳорати. - Тошкент, 19...; Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. - Тошкент, 1965.; шу муаллиф, Навоий поэтикаси. - Тошкент, 1983.; шу муаллиф, Сўз санъати сўзлиги. - Тошкент, 2004. Раҳмонова Ш. XX аср

Аруз вазни ҳақидаги тадқиқотларда ўтган асрнинг 60 йилларигача яратилган ғазаллар ҳақида мулоҳазалар баён этилган. Масалан, Валижон Қодировнинг истиқлолнинг дастлабки йилларида яратилган “Замонавий ўзбек ғазаллари поэтикаси” мавзусидаги номзодлик диссертациясида Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Жамол Камол, Мирзо Кенжабек, Тохир Қаҳҳор, Матназар Абдулҳаким каби шоирларнинг ғазаллари таҳлилга тортилади ва мазкур ғазалларнинг поэтик жиҳатлари: вазн, қофия, бадий санъатлар каби хусусиятлари ўрганилиб, замонавий ғазалчилик борасида муайян илмий-назарий хулосалар бериб ўтилади. Мазкур диссертацияда замонавий ғазалларнинг назарий асослари ҳолис ва танқидий руҳда ўрганилганлигини кузатиш мумкин¹. Бироқ диссертация мавзуси объекти бўлмаганлиги боис девончилик масалалари назардан четда қолдирилган. Шаҳноза Раҳмонова эса ўз тадқиқотида XX асрда яратилган девонларнинг вазн хусусиятларини ўрганган². Шунингдек, мазкур ишда ғазаллар вазни билан боғлиқликда уларнинг бадииятига доир фикрлар ҳам учрайди. Кўринадики, замонавий шеърятдаги мумтоз жанрлар ҳақида муайян тадқиқотлар яратилган бўлса-да, янги давр девончилик анъанаси алоҳида тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, “Алишер Навоий ижоди ва адабий таъсир масалалари” мавзусидаги амалий йўналиш доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий девонларнинг юзага келиши, поэтикаси, ўзига хос адабий-эстетик тамойиллари, анъана ва новаторлик ҳамда услубий жиҳатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мумтоз девончилик масалаларини ёритиш, уларнинг ўрганилиши, мавзулар ранг-баранглиги, таркиб тузилишидаги новаторлик, бадий саъатларнинг хусусиятларини очиб бериш;

XX асрда яратилган девонлар: Ҳабибий, Собир Абдулла, Чархий, Чустий каби ижодкорлар томонидан тартиб берилган девонлар бадииятига оид назарий қарашлар, шунингдек, мазкур девонларнинг мумтоз девонлар анъаналарига мослигини қиёсий асосда ўрганиш;

Эркин Воҳидов, Исмоил Маҳмуд, Фармон Тошев, Шоира Шамс, Дилором Эргашева, Алишер Муқимов каби шоирлар лирик девонларининг таркибий тузилиши, композициясини очиб бериш;

замонавий девонлардаги шеърларда янгиланган образлар масаласини таҳлил этиш, уларнинг мумтоз ғазалиёт билан алоқадор жиҳатларини далиллаш;

иккинчи ярми ўзбек шеърятини арузнинг поэтик шакл ва мазмун такомиллигидаги ўрни. // Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент: 2020. – 53 б.

¹ Қодиров В. Ҳозирги замон ўзбек ғазаллари поэтикасининг айрим хусусиятлари. Номзодлик диссертацияси. – Т.: 1993;

² Раҳмонова Ш. М. XX аср иккинчи ярми ўзбек шеърятини арузнинг поэтик шакл ва мазмун такомиллигидаги ўрни. // Филология фан... фалсафа док. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Тошкент: 2020. – 53 б.

замонавий девонлардаги лирик асарларнинг жанрий ранг-баранглигини тадқиқ этиш, уларни мумтоз ғазалиёт намуналаридан фарқли ва муштарак жиҳатларини асослаш;

ҳозирги замон девонларининг асосий хусусиятлари бўйича янги адабий-эстетик тамойилларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объектини Ниҳоний, Ҳабибий, Чустий, Чархий, Собир Абдулла, Ножий каби шоирларнинг девонлари, Эркин Воҳидов “Ёшлик девони”, “Сенга бахтдан тахт тиларман”, Фармон Тошев “Ғазал санъат, ғазал маъни”, Исмоил Маҳмуд Марғилоний “Дилда васлинг муддао”, Дилором Эргашева “Асрор”, Шоира Шамс “Самандар” ҳамда Алишер Муқимовнинг “Хушқадам” девонлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини замонавий ўзбек адабиётида девон тузиш анъанасининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, яратилган девонларнинг бадиий композициясини қиёсий-типологик методлар орқали илмий-назарий ёритиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифий, тарихий-қиёсий, типологик, матн таҳлили, структурал ва статистик усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Алишер Навоийнинг девон тузиш анъанаси борасидаги алифбонинг барча ҳарфларига ғазал битиш, девонда ҳамд ва наът мавзуларининг мавжудлиги, девонга мавъиза ғазалларни киритиш, ғазалларнинг яқпоралиги, девонни турли жанрлар билан бойитиш каби беш талаби кейинги давр девончилигининг алифбо, тартиб, таркиб ва жанрлар кўламига адабий таъсир кўрсатганлиги асосланган;

“Ёшлик девони”, “Дилда васлинг муддао”, “Асрор”, “Самандар” ва “Хушқадам” девонларида илми аруз, илми бадеъ ва илми қофиянинг ифодаланганлиги, мумтоз туркий шеърят анъаналарига мансуб жанр, тил ва услуб каби жиҳатлар мавжудлиги далилланган;

Эркин Воҳидов, Исмоил Маҳмуд, Дилором Эргашева, Шоира Шамс каби ижодкорлар девонларининг тузилишида муқаддима ва хотима, лирик шеърлар, уларнинг мумтоз девончилик анъанасига мослиги ҳамда янги алифбо, мавзулар ранг-баранглиги, образлар тизими каби жиҳатлар очиб берилган;

ҳозирги замон шеърятида истиқлолдан кейин девон тартиб берган ижодкорларнинг мазкур анъанага эркин ёндашуви, уларнинг девонларида ҳамд ва наът, муножот руҳидаги ғазалларнинг мавжудлиги, руҳий-психологик концептлари, девончилик анъанасининг давр ва ижтимоий воқеликлари далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

тадқиқот натижасида чиқарилган илмий хулосалар келгусида мумтоз ва замонавий адабиёт кесишган нуқта – адабий таъсир масалаларини ўрганувчилар учун қимматли манба бўлиб хизмат қилиши, бу хулосалардан ғазалчилик ва девон тузиш анъанаси бўйича илмий тадқиқотлар яратиш мумкинлиги асосланган;

тадқиқот доирасида ўзбек адабиётшунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар беришига, девон тартиб бериш услубига оид назарий-амалий машғулотларнинг ташкил этилишига, дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммалашувиغا хизмат қиладиган илмий хулосалар ишлаб чиқилган;

мавзу тадқиқи натижасида чиқарилган хулосалар университетнинг филология факультети талабалари учун мўлжалланган “Мумтоз лирик жанрлар” ҳамда “Адабий турлар поэтикаси” фанлари учун қўшимча материал сифатида фойдаланиш мумкинлиги тайин этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўйилган илмий муаммонинг ўрганилиш чегаралари аниқ белгиланиши, чиқарилган хулосалар илмий асосланганлиги, ишончли илмий-назарий манбалардан фойдаланилганлиги, танлаб олинган бадиий манбаларнинг тадқиқот предметига мослиги, тадқиқот усуллариининг илмий мақсадга мувофиқлиги, тавсифий, тарихий-қиёсий, типологик, матн таҳлили ва статистик усуллардан фойдаланилганлиги ҳамда таҳлил жараёнида ўзбек мумтоз адабиёти поэтикаси ва замонавий поэзия талабларидан келиб чиқилганлиги, фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти XX аср ва истиқлол даври адабиёти тарихини яратишда, янги давр девончилигидаги ютуқ ва камчиликлар борасидаги баҳсларда, мумтоз адабиёт фанининг жанр имкониятлари, шеърятда анъана ва новаторлик, поэтик услуб ранг-баранглиги каби масалаларни ўрганиш жараёнида намоён бўлади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ундаги хулосалардан “Мумтоз лирик жанрлар”, “Адабий муҳитлар поэтикаси” ва “Ҳозирги адабий жараён” фанларини ҳамда ихтисослашган мактабларда махсус курсларни ўқитишда, олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланмалар, мажмуалар яратиш ва такомиллаштириш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий ўзбек адабиётида девон тузиш анъанасини тадқиқ этишда олинган амалий натижалар асосида:

Алишер Навоийнинг девон тузиш анъанаси борасидаги беш талаби кейинги давр девончилигига кўрсатган адабий таъсири замонавий девонлар мисолида олинган хулосалардан ЎзРФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-Г002 рақамли “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида фойдаланилган (17.01/22 рақамли маълумотнома). Натижада, замонавий девонларнинг жанрлар таркиби, улардаги анъанавийликнинг акс этиши ва образлар тизимини ўрганиш имконияти яратилган;

замонавий девонларда илмлар училиги: илми аруз, илми бадеъ ва илми қофиянинг, мумтоз туркий шеърят анъаналари, образлар тизими, жанр, тил ва услуб хусусиятлари бўйича олинган хулосалардан ЎзРФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини

тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (17.01/23 рақамли маълумотнома). Натижада, мумтоз таҳлилга оид методлар, бадиийлик, кўркемлик масалалари анъана ва новаторлик тушунчаларининг илмий далиллар билан бойишига хизмат қилган;

замонавий девончилик тамойиллари, уларда мумтоз анъаналар: вазн ва бадиийлик масалалари ҳамда янги давр девонларининг композицион тузилиши, уларнинг мумтоз девончилик анъанасига мослиги таҳлил қилинган, янгилик сифатида эътироф этилган фикрлар юзасидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Маданият ва маърифат” телеканалининг “Тонг нафаси”, “Қақнус”, “Шеър сеҳри” кўрсатувлари, Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуди муносабати билан ўтказилган телемарафонларда иштирок этиб, фикрлар билдирилган (01-01/48-сон маълумотнома). Бу кўрсатувлар орқали чиқишлар телетомошабинларни замонавий девонлар, уларнинг таркибий тузилиши, вазн ва бадиий хусусиятлари билан таништиришда муҳим аҳамият касб этган;

ҳозирги замон шеърлятида девон тартиб беришнинг зарурати ва эҳтиёжлари, руҳий-психологик жиҳатлари, давр ва ижтимоий воқеликка оид ўзига хос тавсиф ва тавсиялари орқали Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказиладиган “Хиёбон оқшомлари” шеърлят кечалари ҳамда “Мумтоз аруз” тўғаракларида маърузалар қилинган (01-03/394 рақамли маълумотнома). Натижада, ёш ижодкорларда девончилик, ғазалчилик ва арузга доир муайян фикрлар ва хулосалар юзага келган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация иши натижалари 5 та халқаро конференция ва 3 та республика илмий-назарий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертациянинг умумий мавзуси бўйича жами 17 та илмий мақола, бир тўплам, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 3 та хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Умумий ҳажми 149 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Мумтоз девончилик анъанасининг илмий-назарий асослари”** деб номланиб, у икки фаслдан иборат. Биринчи фаслда *“Шарқ мумтоз девонларига хос асосий хусусиятлар”* ҳақида сўз юритилиб, девон тузиш анъаналарининг пайдо бўлиши ва асосий хусусиятлари ҳақида сўз боради. Ушбу фаслда девончиликнинг дастлаб форс-тожик ва араб адабиётида юзага келганлиги, девондаги шеърлар қофия ҳамда радифларига кўра араб алифбоси тартибида (қофияланиб келувчи сўзларнинг охириги ҳарфлари асосида) жойлаштирилиши; шарқда девон тузиш шоирнинг етуклик белгиси эканлиги, шоирлар ўз девонларининг мазмунан ва шаклан ранг-баранг бўлишига эътибор қаратганлиги; девон тузиш X-XI асрлардан бошлангани, унинг шаклланиш даври Шайх Саъдий замонасига тўғри келиши, ўзбек адабиётида девон тузиш Лутфий, Саккокий, Атоий, Гадоий каби шоирлар ижоди билан боғлиқлиги манбалар асосида ёритилган.

Алишер Навоий “Бадое ул-бидоя”да девончиликдаги асосий беш талабни илгари суради:

1) алифбо тартибига қатъий риоя қилиш – бунда араб алифбосидаги 28 ҳарф эмас, эски ўзбек ёзувидаги 32 ҳарф (форслар араб алифбосига кўшимча қилган 4 ҳарф билан бирга) ўлчов қилиб олинади;

2) ҳамд ва наът руҳидаги ғазалларни олдинги ўринларда жойлаштириш, девондаги ғазаллар Аллоҳга ҳамд, пайғамбар(с.а.в.)га наът билан бошланиши лозимлиги, ҳар бир ҳарф билан тугаган ғазалларини тартиблашда мазкур қоида устуворлиги таъкидланади;

3) ғазал мавзуларининг турфа хиллигига эришиш – фақатгина ишқ-муҳаббат мавзусида эмас, мавъиза, маърифий аҳамиятга эга бўлган панд-насихат руҳидаги ғазаллар билан девонни музайян қилмоқ лозим деб ҳисобланади;

4) ғазал байтларининг муайян бир мавзуни тўлиқ акс эттиришига эришиш – улуғ мутафаккир пароканда (ҳар байти ўз мустақиллигига эга бўлган) ғазалларни танқид қиларкан, ғазалда маълум бир фикр тадрижий тарзда ривожлантирилиши лозимлигини уқтиради;

5) девонга ғазалдан ташқари турли жанрлар: маснавий ва қасидалардан бошлаб, фард ва луғз каби жанрларга оид шеърларни киритиш – девоннинг жанрий кўламини бойитиш масаласи илгари сурилади.

Юқоридаги талабларнинг барчаси Навоийнинг девонларида ўз аксини топган. Темурийлар даврида ҳам, хонликлар даврида ҳам яратилган кўплаб девонлардан бунга мисоллар келтириш мумкин. Бу даврда яшаб ўтган Ҳусайний, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Ғарибий, Шайбоний, Убайдий, Машраб, Мунис, Огаҳий каби кўплаб соҳиби девон шоирларнинг девонлари бизгача етиб келган. Чунончи, Увайсий, Амирий, Нодира, Хоний, Муқимий, Фуркат, Махмур, Садойий, Муҳйи каби шоирлар ҳам “соҳиби девон шоирлар” каторидан жой олишган. Бу пайтга келиб девон муаллифи сифатида шуҳрат топиш шоирлар орасида ниҳоятда кенг ёйилган. Девон шоирнинг мухлислар олдидаги ижодий ҳисоботиғина эмас, балки асрлар давомида мадрасаларда алоҳида илм-фан сифатида ўқитилган. Девонлар илмлар учлиги: илми аруз, илми бадеъ ҳамда илми қофиянинг ҳаётга татбиқ этилган амалий шакли бўлган.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, девончилик анъанаси асрлар оша мумтоз шоирларимиз томонидан давом эттириб келинди. Бу анъана Алишер Навоий девонлари орқали ўзининг ҳадди аълосига етган. Навоийнинг девончилик анъаналарини Огаҳий муносиб давом эттирган. Қўқон адабий муҳитида ҳам Амирий, Нодира, Увайсий, Хоний каби соҳиби девон шоирлар етишиб чиққанки, бу ҳолат девон тузиш анъанаси ҳар доим бардавом бўлганини кўрсатади.

Бобнинг иккинчи фасли “*XX аср бошларидаги ўзбек шоирларининг девон тузиш тажрибасидан*” деб номланган. Мазкур фаслда ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар давридаги вазмин аруз вазни давр шиддатларига дош бермай қўйгани; Фитрат, Чўлпон, Элбек, Боту, Усмон Носир каби шоирлар ўзбек шеърятига янги шаклларни: бармоқ ва эркин вазнларни олиб кира бошлаганлиги; мадрасалар ёпилгач, илмлар учлиги – “илмҳойи сегона” алоҳида фан сифатида ўрганиладиган адабий муҳитнинг йўқлиги, натижада ғазал жанри эътибордан четга қола бошлагани, ўтган асрнинг 30-йилларига келиб эса, шўро мафкурасининг хуружи туфайли аруз вазни “сарой адабиётининг вазни”, “қолоқ, замон талабларига жавоб бермайдиган вазн” сифатида баҳоланиб, адабий жараёндан четлатилганлиги, “яшаш”дан маҳрум қилингани, ўша даврда арузда ижод қилаётган Ҳабибий, Чустий каби шоирларнинг ижод намуналари дарсликлардан олиб ташланганлиги манбалар асосида таҳлилга тортилган. Турли тақиқларга қарамасдан, мумтоз анъаналарни давом эттирувчилар, яъни шу йўналишда ижод қилувчилар ҳам йўқ эмас эди. Масалан, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий “Девони Ниҳоний” номи билан каттагина ҳажмда девон тартиб беради. Ниҳоний девонидан ғазал, маснавий, мураббаъ, мухаммас, мусаддас ва шеърӣ мактуб каби мумтоз жанрлар ўрин олган бўлиб, шоир ғазаллари ниҳоятда пишиқ, кўркам эканлиги мутахассислар томонидан эътироф этилган¹. “Девони Ниҳоний”да ғазаллар мумтоз адабиётда мавжуд бўлган девон тузиш анъаналарига кўра, араб ёзувидаги ҳарфлар тартиби билан жойлаштирилган. Улар “алиф”дан бошланиб “ёй” билан тугайди. Девон ҳамд ва наът ғазаллар билан

¹ Ҳамза. Т А Т. Беш томлик. 1-том. Девон, - Т.: 1988. 377 б.

бошланади. Тадқиқотда девон тузиш анъаналаридан бирмунча узоқлашилган, яъни XX аср бошларида ижод қилган шоирлардан Чустий, Ҳабибий, Собир Абдулла девонларининг ўзига хослиги сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин. Чустийнинг девон тузишда кирилл алифбоси тартибидан фойдаланганлиги; Ҳабибий девонларида мумтоз анъаналарга эргашиш кузатилиши, Собир Абдулла рубоий, туюқ, ғазал, мухаммас, мусаддас, мусамман, таржибанд, дoston каби кўплаб жанрларда, Шарқ адабиёти анъаналари асосида поэтик асарларидан беш ярим минг мисрадан ортиқ ҳажмли “Девон” тузгани¹ таҳлилларда манбалар асосида текширилди. Бундан ташқари, Чустий, Собир Абдулла девонлари билан деярли тенг савияда тартиб берилган Асқарали Чархий девони “Дебоча” билан бошлангани, девонда ғазал, мустазод, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, маснавий, рубоий ва туюқ жанрига мансуб асарлар жамланиб, кирилл алифбоси асосида тартибланган девоннинг кўпчилик шеърлари инқилобга, совет ҳокимияти шарафига атаб ёзилгани давр руҳи, мафкурасининг ҳосиласи эканлиги ҳар томонлама атрофлича ўрганилди. Шулар қаторда Каттақўрғон адабий муҳитининг вакили Қори Муҳаммадрасул Зубайдуллаҳўжа ўғли Ножий девонида тўққизта жанрга доир шеърый асарлар киритилганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Девондаги етакчи жанр ғазал ва мухаммаслардир. Қарийб 40 та мухаммаснинг 8 таси таъби худ мухаммаслар бўлиб, улардан учтасига “Ножий мухаммаси” деб ном қўйилган, қолган тўрттаси эса “Тазминлар” номи остида берилган, биттаси насихатнома тарзида тақдим этилган. Хулоса қилиб айтганда, ўтган асрдаги девончиликнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ғазал мавзусининг кўкдан ерга тушганида, яъни илоҳий ишқ қуйланган жанрларда замонанинг ижтимоий масалалари ёритилганида намоён бўлади. Бироқ шундай муҳитда, мустабид тузум даврида ҳам анъанани сақлаб қола олиш, мумтоз анъаналарга эргашган ҳолда девон тартиб бериш юқорида номлари зикр этилган шоирларда юксак истеъдод билан бирга, қатъий журъат ҳам мавжуд бўлганини исботлайди.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Замонавий девонлар: таркиб ва мавзу”** деб номланади. Бобнинг *“Замонавий девонларнинг структурасига доир мулоҳазалар”* деб номланган фаслида Эркин Воҳидов, Исмоил Маҳмуд, Фармон Қарнабий, Дилором Эргашева, Шоира Шамс ва Алишер Муқимов каби ижодқорларнинг девонлари тузилишига доир назарий хулосалар берилади. Ўтган асрнинг 60-70 йилларига келиб, аруз вазнида ижод қилиш мафкуравий талаблар асосида ўз мавқеини деярли йўқотаёзди. Эркин Воҳидовнинг саъй-ҳаракатлари билан “эскилик сарқити” сифатида четга суриб қўйилган вазн – арузда ғазаллар битиш қайта тикланди. Уларни шоир “Ёшлик девони”га жамлаб нашрдан чиқарди. Девоннинг биринчи ғазали “Дебоча” деб номланади. Айти шу дебочада Эркин Воҳидов ғазалнинг эътибордан қолаётгани ҳақида ҳам ўз мулоҳазаларини бериб ўтади:

Эй мунаққид, сен ғазални кўҳна деб камситмагил,

¹ Абдурахмонова М. Собир Абдулла (ҳаёти ва ижоди) / Монография. – Тошкент: Фан, 1980. Б. 7. (166 б.)

Севги ҳам Одам Атодан қолган инсон қонида.¹

“Ёшлик девони”и девон тартиб беришнинг замонавий версияси сифатида дунёга келди. Ундаги мавзу ранг-баранглиги, Эркин Воҳидов услубига хос бўлган юмор, сўз ўйинлари ўқувчида мумтоз шеъррий асарлардан баҳраманд бўлиш ва завқлана билиш кўникмаларини шакллантирди. Эркин Воҳидов ўз девонини тузишда Алишер Навоий девонларини дастуриламал қилиб олганини таъкидлаш керак. “Ёшлик девони”да 62 ғазал, 4 мухаммас, 4 ҳажвия ва 1 қасида мавжуд бўлиб, девондаги тўрт мухаммаснинг барчаси тазмин мухаммаслар сирасига киради. Бизга маълумки, Эркин Воҳидовнинг “Ёшлик девони”ни баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Баъзи мунаққидлар шоирнинг бу ишини ёқламаган бўлсалар², баъзилари қўллаб-қувватладилар^{3,4}. Эътиборли жиҳати шундаки, “Ёшлик девони”нинг адабиёт саҳнасига чиқиши девончиликда, ғазалчиликда янги бир адабий-эстетик ҳодисани бошлаб берди. “Ёшлик девони” замонавий девончиликда илк қадам сифатида кейинги авлод девончилигига ҳам сезиларни таъсир кўрсатган. Чунончи, Исмоил Маҳмуд Марғилоний “Дилда васлинг муддао”, Фармон Қарнабий “Ғазал – маъни, ғазал – санъат”, Дилором Эргашева “Асрор”, Шоира Шамс “Самандар”, Алишер Муқимовнинг “Хушқадам” номли девонлари замонавий девончиликда сезиларли ўзгаришлар бўлаётганидан далолат беради. Шоир Исмоил Маҳмуднинг “Дилда васлинг муддао” девонида араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувидаги 30 та ҳарф билан тутаган ғазалларини тартиб билан жойлаштиргани, ҳар бир ҳарфнинг бошланмасида сарлавҳа қўйилгани, бу каби сарлавҳа Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” куллиётида ҳам учраши айтилган. Девоннинг таркибий тузилишини кўйидаги жадвалда кўришимиз мумкин:

Жанр	Сони	Жанр	Сони	Жанр	Сони
Ғазал	222	Мусаббаъ	3	Қасида	1
Мухаммас	27	Мусамман	1	Рубоий	7
Мусаддас	2	Муашшар	1	Фард	12

Диссертацияда Фармон Қарнабийнинг 2018 йилда нашр этилган “Ғазал – маъни, ғазал – санъат...” девони тадқиқ этилди. Девондан ўрин олган ғазаллар кирилл алифбоси асосида жойлаштирилган бўлиб, унда алифбодаги деярли барча ҳарфга шеърлар мавжуд ва ҳар бир ҳарфнинг бошланмасига шу ҳарф билан боғлиқ сарлавҳа қўйилган. Девонда 14 жанрга оид ижод намуналари киритилган: ғазал, маснавий, фард, мусалласот, рубоий, туюқ, чистон, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, мусамман, таркиббанд, таржиббанд кабилар шулар жумласидандир. Вазн борасида кўпгина камчиликлар мавжуд. Айрим ғазалларнинг вазнини аниқлашнинг иложи бўлмади. Чунки бир мисрада рамал баҳри унсурлари бор бўлса, бошқасида ҳазаж баҳри унсурлари мавжуд.

¹ Воҳидов Э. Ёшлик девони. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1969. – Б. 3.

² Худайберганов Н. Бадиий кашфиёт талаби билан. // “Шарқ юлдузи”, 1971 й., 8-сон, Б. 190-211.

³ Мамажонов С. Ранглар ва оҳанглар. – Т.: Фан, 1978, 26-27-бетлар.

⁴ Қосимов У., Абдуллаев О. Қаҳр эмас, меҳр керак. // “Шарқ юлдузи”, 1987 й., 2-сон, Б. 187-195.

Дилором Эргашеванинг “Асрор” девонидаги жами 147 та шеър куйидаги жанрларда яратилган:

Жанр	Сони	Жанр	Сони	Жанр	Сони
Ғазал	114 та	Мусаддас	1 та	Маснавий	1 та
Мураббаъ	5 та	Маснавий	1 та		
Мухаммас	10 та	Рубоий	10 та		

Мазкур девон “Дебоча” билан бошланган ва унда Яратганга муножот баён этилади. Шундан сўнг ҳамд ва наът руҳидаги ғазаллар билан девон бошланади. Муаллиф ғазалларни тартиблашда кирилл алифбосини асос қилиб олган, ғазаллар илоҳий ва мажозий ишқнинг синтезлашувидан иборат. Умуман, илоҳий ишқни куйлаш ҳозирги замон ғазалнавислари учун ҳам умумий хусусиятлардан бири бўлиб қолмоқда. Мазкур девонлар ўзбек девончилигига қайтиш йўлидаги бир қадам бўлиб, албатта, камчилик ва нуқсонлардан холи эмас. Замоनावий девонларидаги асосий камчиликларни уларнинг таркиби ҳамда вазнидаги сакталикларида деб белгилаш мумкин. Шоирларимиз арузда ёзиб амалиёт бажаришмоқда, албатта, бу амалиётнинг назариясини кенг жорий этмоқ зарур ҳодисадир.

Бобнинг иккинчи фасли “*Девонлардаги янгиланган образлар масаласи*” деб номланган бўлиб, дастлаб образ сўзи манбалар асосида изоҳланган. Замоनावий девонлардаги образлар тизимини шартли равишда куйидаги гуруҳларга бўлган ҳолда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Анъанавий образлар.
2. Янгиланган образлар.

Мумтоз адабиётимизда мавжуд бўлган анъанавий лирик образлар замоनावий девонларнинг ҳам салмоқли қисмини ташкил қилади. Бу каби анъанавий образларга ошиқ, маъшуқа, рақиб, шу билан бирга, соқий, май, дайр сингари мажозий тимсолларни киритишимиз мумкин. Бу образлар орасида маъшуқа тимсоли характерлидир. Шу тимсол орқали муаллифнинг дунёқарashi, бадиий-эстетик олами ва ижодий маҳорати намоён бўлади. “Мумтоз адабиётда маъшуқа... юзлари гоҳ тўлин ой, гоҳ гул бўлиб атрофга яхшиликлар улашса, бўйи ё шамшод, ё сарвни доғда қолдиради. Оғзи баъзан жуда кичик бўлса, баъзан умуман йўқ бўлиб ошиқ сўроқларига жавоб бермайди”.¹ Мазкур анъанавий образлар тадқиқотимиз объекти бўлган замоनावий девонларда ҳам учраб туради. Тадқиқотда замоनावий девонлар муаллифларининг мумтоз адабиётда анъанавий бўлган образларни яратишдаги маҳорати қиёсий ўрганилган. Булбул ва гул образи азалдан ошиқ ва маъшукнинг рамзини билдиради. Алишер Навоийда:

*Истамии булбул вафо гулдин, магарким жоладин
Бағри қотмиши гунчанинг баским эрур хандон анга².*

Эркин Воҳидовда:

*Тун билан йиғлабди булбул гунча ҳажри доғида,
Кўз ёши шабнам бўлиб қолмиши унинг япроғида.¹*

¹ Ҳасанова М. Саккокий қасидаларининг «насиб» қисмида маъшуқа тимсоли. // Шарқ аёли: кеча ва бугун. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент: 2013. Б. 172-175.

² Навоий А. МАТ. Йигирма томлик. Биринчи том. Бадойиё ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987. – Б.23.

Ушбу байтларда булбул (ошиқ)нинг кўз ёш тўкиши тасвирланса, бошқа шоирларда бу образнинг оҳанг яратиш, куйлаш хусусиятига урғу берилади:

Исмоил Маҳмудда:

*Сайрагил, дил, мисли булбул, билки, фурсат яхшидур,
Сайрамоқ айёми, кўнгил, билки журъат яхшидур.*²

Шоира Шамсда:

*Гул эсам, булбул каби келгаймисан?
Қалбима оҳанг каби тўлгаймисан?*³

Ушбу анъанавий образлардан ташқари, қош, соч, сабо, шаббода, эл, халойиқ каби образлар диссертацияда қиёсий ўрганилган.

Девонлар замон нуқтайи назаридан ҳозирги вақтда яратилар экан, ўз-ўзидан бу девон таркибидаги шеърларда ижтимоий давр руҳи сезилиб туради. Мумтоз адабиётда ғунча образи маъшуканинг лаби, оғзи, юзи, айрим ҳолатларда у билан ғўзалликда баҳсга киришган рақибма маъносида келади. Замоनावий девонларда эса ғунчага ҳам янги маъно юкланади, у ошиқ, севги тимсолида тасвирланади. Э.Воҳидов “Ғунча” номли ғазалида ғунчага мурожаат қиларкан, ошиқ ҳолати билан параллел тарзда ғунчанинг ҳам ҳолати тасвирланади:

*Бўлдингми мен каби ё бир бевафога ошиқ,
Айт, севганингми сенга парвоси йўқми унча?*⁴

Дилором Эргашева девонида ҳам ғунча ошиқ:

*Мушт тугар гулшанда ҳар гул ғунча, юз
Очса гуллар шоҳи мен муштоққа.*⁵

Эркин Воҳидов девонларида сурма, гилос, узум, тароқ каби предметлар образ даражасига олиб чиқилади. Мазкур образлар, одатан, маъшукга ғўзаллигини тасвирловчи воситалар сифатида қўлланган бўлса, шоир ғазалларида улар ҳам ёрга ошиқ исхори ҳолатида куйланади. Бундан ташқари, ишда анъанавий образларнинг янги маъно моҳият касб этгани, қорачиғ куйган қуёшга, кўз эса мовий осмонга ўхшатилиши (*Қорачиғ куйган қуёш-у, Мовий осмондир кўзинг (Э.Воҳидов)*), нафақат шакли, балки ўсма қўйилган қошнинг рангини-да меҳробга ўхшатиб, қош ва меҳроб образларига янги маъно ёндашганлиги (*Қоши ҳам ўсмадан зангор, Дема зангор, эрур зангбор, Нечукким, қон тўкиб хунхор Қиличлар бўйла занглайдир(Э.Воҳидов)*), гилос ва узум азалдан маъшуканинг лабига қиёсланса-да, бундан лирик қаҳрамоннинг рақибни туйиши муаллифнинг янгилик яратиш маҳоратидан дарак эканлиги мисоллар орқали қайд этилган. Қисқаси, замоनावий девончиликда лирик образлар мумтоз адабиёт ва янги давр адабиётини боғловчи кўприк сифатида намоён бўлади.

Диссертациянинг учинчи боб “**Замоनावий девончиликда бадийят масалалари**” деб номланади. Унинг биринчи фасли “*Замоनावий девонларда*

¹ Воҳидов Э. Ёшлик девони. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1969. – Б. 5.

² Маҳмуд И. Дилда васлинг муддао. – Т.: Akademnashr, 2017. – Б.87.

³ Шамс Ш. Самандар (Девон). – Урганч: “Қувачбек-Машхура”, 2019. – Б.83.

⁴ Воҳидов Э. Ёшлик девони. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1969. – Б. 9.

⁵ Эргашева Д. Асрор (Девон). – Тошкент: Akademnashr, 2017. – Б. 16.

вазн масаласи” деб аталади. Унда Шарқ адабиётида аруз алоҳида фан сифатида ўқитилгани, у ҳақда илмий асарлар яратилгани илмий-назарий тадқиқ этилган. Ҳозирги даврда Валижон Қодиров, Собиржон Тоҳиров, Дилнавоз Юсупова каби олимларнинг аруз вазнига доир эълон қилинаётган ишлари, мақолалари бу вазннинг бугунги кун учун ҳам долзарб илмий масалалардан бири эканлигидан далолат беради.

Ҳозирги замон девонларининг вазн хусусиятларини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Девон	Рамал	Ҳазаж	Музоре
“Ёшлик девони”	61 ғазал	10 ғазал	9 ғазал
“Сенга бахтдан тахт тиларман”	70 ғазал	34 ғазал	9 ғазал
“Дилда васлинг муддао”	174 ғазал	52 ғазал	

